



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG'OT TUMANI HOKIMINING QARORI

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2021 -yil 14 - aprel

812 u -son

Bog'ot shaharchasi

Фуқаро Усмонова Нуқулжон Нуриллаевнани вояга етмаган неваралари 2013 йил 18 августда туғилган Садуллаев Шохжаҳон Хурсанд ўғлига ва 2016 йил 14 январда туғилган Садуллаева Маликажон Хурсанд қизига нисбатан васий этиб тайинлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонунининг 10, 42-моддалари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги низомнинг 9, 63, 66 ва 67-бандларига мувофиқ

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Васийлик ва ҳомийлик” комиссиясининг 2021 йил 9 апрелдаги хулосаси инобатга олинсин.

2. Богот тумани “Янгиқадам” шаҳарчасида яшовчи фуқаро 1971 йил 5 апрелда туғилган Усмонова Нуқулжон Нуриллаевнани вояга етмаган неваралари 2013 йил 18 августда туғилган Садуллаев Шохжаҳон Хурсанд ўғлига ва 2016 йил 14 январда туғилган Садуллаева Маликажон Хурсанд қизига нисбатан васий этиб тайинлансин.

3. Туман халқ таълими бўлими мудири Т.Мирзаевга:

- Мазкур қарорни бир кун муддатда аризагўйга (тайинланган васийга) юбориш таъминлансин.

- Васий ва ҳомий ҳуқуқларининг амалга оширилишини ҳамда мажбуриятларининг бажарилиши устидан назорат ўрнатсин.

- Васийликка олинаётган шахслар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар белгиланган муддатда давлат реестрига киритиш учун туман ҳокимлигига тақдим этилсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари Р.Шарипов зиммасига юклатилсин.

Богот тумани ҳокими

Ш.Яхшибаев